

ISSN 2181-7200

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

И Л М И Й – Т Е Х Н И К А Ж У Р Н А Л И



═══════════════════════ 2018. Том 22. № 2 ════════════════════════

*НАУЧНО–ТЕХНИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ ФерПИ*

*SCIENTIFIC –TECHNICAL
JOURNAL of FerPI*

ФАРҒОНА – 2018

ФарПИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖУРНАЛИ

1997 йилдан буён нашр этилади.
Йилига 4 марта чоп қилинади.

ЎзР Олий аттестация комиссияси
Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги
№201/3 қарори билан журнал ОАК нинг
илмий нашрлари рўйхатига киритилган

Бош муҳаррир

О.Х. ОТАКУЛОВ

Тахрир хайъати:

Физика-математика фанлари:

1. Мўминов Р.А., академик, ф.-м.ф.д., проф. - Ўз ФА ФТИ
2. Нуриддинов И., ф.-м.ф.д., проф. - Ўз ФА ЯФИ
3. Расулов Р.Я., ф.-м.ф.д., проф. - Фар ДУ
4. Сиддиқов Б.М., Prof. of Mathem. - Ferris State University, USA
5. Ўринов А.Қ., ф.-м.ф.д., проф. - Фар ДУ
6. Юлдашев Н.Х., ф.-м.ф.д., проф. - Фар ПИ

Қурилиш:

1. Аббасов Ё.С., т.ф.д. - Фар ПИ
2. Одилхажаяев А.Э., т.ф.д., проф. - Тош ТЙМИ
3. Ақромов Х.А., т.ф.д., проф. - Тош АҚИ
4. Аскарлов Ш.Ж., арх.ф.д. проф. - Тош АҚИ
5. Коробовец Г.И., арх.ф.д. проф. - Тош АҚИ

Кимёвий технология ва экология

1. Абдурахимов С.А., т.ф.д., проф. - Тош ДТУ
2. Ибрагимов А.А., к.ф.д., проф. - Фар ДУ
3. Ибрагимов О.О., к.х.ф.д. - Фар ПИ

Механика:

1. Алиматов Б.А., т.ф.д., проф. - Белгород ДТУ, Россия
2. Бойбобоев Н., т.ф.д., проф. - Нам МПИ
3. Мамаджанов А.М., т.ф.д., проф. - Тош ДТУ
4. Тожиёв Р.Ж., т.ф.д., проф. - Фар ПИ
5. Тўхтақўзиёв А., т.ф.д., проф. - Ўз ФА МЭИ

Энергетика, электротехника, электрон қурилмалар ва ахборот технологиялар

1. Арипов Н.М., т.ф.д. - Тош ТЙИ
2. Қасымаҳунова А.М., т.ф.д., проф. - Фар ПИ
3. Муҳитдинов Ж.Н., т.ф.д., проф. - Тош ДТУ
4. Расулов А.М., т.ф.д. - Фар ПИ
5. Раҳимов Н.Р., т.ф.д. - Новосиб. ГУ., Россия
6. Эргашев С.Ф., т.ф.д. - Фар ПИ
7. Хайридинов Б.Э., т.ф.д., проф. - Қарши ДУ

Ижтимоий-иқтисодий фанлар

1. Иқромов М.А., и.ф.д., проф. - Тош ИУ
2. Искандарова Ш.М., фил.ф.д., проф. - Фар ДУ
3. Исманов И.Н., и.ф.д. - Фар ПИ
4. Қудбиев Д., и.ф.д., проф. - Фар ПИ

НАУЧНО-ТЕХНИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ ФерПИ

Издаётся с 1997 года.
Выходит 4 раза в год.

Постановлением Президиума Высшей
аттестационной комиссии РУз №201/3
от 30 декабря 2013 г. журнал включен в
список научных изданий ВАК.

Главный редактор

О.Х. ОТАКУЛОВ

Редакционная коллегия:

Ё.С. Аббасов, С.А. Абдурахимов, Б.А. Алиматов, Х.А. Ақромов, Н.М. Арипов, Ш.Ж. Аскарлов, Н. Бойбобоев, А.А. Ибрагимов, О.О. Ибрагимов, М.А. Иқромов, Ш.М. Искандарова, И.Н. Исманов, А.М. Қасымаҳунова, Д. Қудбиев, Г.И. Коробовец, А.М. Мамаджанов, Ж. Муҳитдинов, Р.А. Муминов, И. Нуриддинов, А.Э. Одилхажаяев, А.М. Расулов, Р.Я. Расулов, Н.Р. Раҳимов, Б. Сиддиқов, Р.Ж. Тожиёв, А.А. Тўхтақўзиёв, А.К. Уринов, Б.Э. Хайридинов, С.Ф. Эргашев,

Н.Х. Юлдашев (ответственный редактор)

SCIENTIFIC – TECHNICAL JOURNAL of FerPI

It has been published since 1997.
It is printed 4 times a year.

The decision of Presidium of the Supreme
Attestation Committee of the RUz №201/3
from December, 30th, 2013 Journal is included
in the list of scientific editions of the SAC.

Editor-in-chief

О.Н. ОТАКУЛОВ

Editorial board members:

Yo.S. Abbasov, S.A. Abdurahimov, B.A. Alimatov, X.A. Akromov, N.M. Aripov, Sh.J. Askarov, N. Boyboboev, A.A. Ibragimov, O.O. Ibragimov, M.A. Ikramov, Sh.M. Iskandarova, I.N. Ismanov, A.M. Kasimahunova, D. Kudbiev, G.I. Korobovets, A.M. Mamadjanov, J.N. Muhitdinov, R.A. Muminov, I. Nuritdinov, A.O. Odilxajev, A.M. Rasulov, R.Ya. Rasulov, N.R. Raximov, B. Siddikov, R.J. Tojiev, A.A. Tuxtakuziev, A.K. Urinov, B.E. Hayriddinov, S.F. Ergashev, N.Kh. Yuldashev (Executive Editor)

МУНДАРИЖА

Мамадалиев Б.М, Мухаммадқубов Х.Э., Эргашев Ж., Юлдашев Н.Х. Si <Co> асосидаги самарадор куёш элементи	125
Рахимова Л.И. Ядросида Бессел функцияси қатнашган ўрамсиз операторлар ва уларнинг хоссалари	127
Рахмонов Х.Т. Комбинациялашган агрегат кесак майдаловчи ишчи қисмининг ўлчамларини назарий асослаш	129
Хусанжонов А.С., Отабоев Н.И. Автомобилларни орқа ғилдиракларини олд ғилдиракларига нисбатан х-симон буриш орқали бошқарилувчанлигини такомиллаштириш	133
Каримов И.Т. Барботажли экстракторнинг газ тақсимловчи тешиклар ўлчамларини аниқлашда ўтказилган тадқиқотлар таҳлили	135
Обидов А.А., Кабулов М.Э., Хасанова Г. Пахта чигитларини қайта ишлаш учун физик-механик хоссаларини тадқиқ қилиш	137
Тожиёв Р.Ж., Ахунбаев А.А., Миршарипов Р.Х. Майда дисперс материалларни ротор-барабанли қуритгичда йўқотишларсиз қуритиш	140
Валиев Г.Н., Орипов Ж.И. Ўрама зичлигини эшув (пишитув) ўрамининг ўқи бўйлаб тақсимланишини назарий жиҳатдан аниқлаш	143
Ахунбабаев О.А. Тўқув дастгоҳида зарб натижасида танда ипларини ишқаланиш цикллари сонини аналитик ифодаси	146
Қосимов М.А. Автомобилнинг горизонтал текислик бўйлаб тебраниш жараёнларини тадқиқ этиш ...	149
Гончарова Н.И., Рахманов Б.К., Мирзаев Б.К., Хусайнова Ф.О. Ишлаб чиқариш чикиндилари - полимерлар қўшилган бетоннинг хоссалари	151
Давлятов М.А., Давлятова З.М., Аширалиев Ф.Т., Мухамедов Ш.Т., Отажонов Ш.Ф. Минерал ҳомашё ва саноат чикиндилари асосида силикат материаллар ва буюмлар олиш технологияси	154
Ахмедов Ж.Д., Жўраев Ў.Ш., Неъматов Ф.Ж. Текис тақсимланган динамик куч таъсирида ярим фазода жойлашган тўғри тўртбурчак шаклидаги бўшлиқнинг тебраниши	157
Тешабоева Н.Д. Фаоллаштирилган тўлдирувчидан фойдаланиб полимер бетон ишлаб чиқариш технологиясини яратиш	159
Мусаев И., Мусаева Г., Хақимова К. Қишлоқ хўжалигида топографик карталардан фойдаланиш	162
Абдуллаев А., Абдумаликов А. Энергетика тизимидаги аварияли ўчишлар таҳлили	165
Писецкий Ю.В., Дусматов С.С., Олимова О.С. Оптик толали алоқа линияларидан фойдаланишнинг афзалликлари ва хусусиятлари	168
Аббосов Ё.С., Болтабоева М.П. Сувнинг қувурдаги ламинар оқишида иссиқлик алмашинувини тадқиқот қилиш	171
Рахмонов Қ. Ер ахборот базасини яратиш модели	173
Абдурахмонов С.М., Нишонов И.У., Ахунова Ё.Н. Цемент олиш технологиясини микропроцессор техникаси асосида модернизациялаш	176
Худоеров Ш.Т. Автомобил транспортининг атроф муҳитга антропоген таъсири	180
Мерганов А.Т., Содиқова Ш.А. Лиофилизация усулида ёш болалар учун шарбатлар тайёрлаш технологияси	183
Мирзаева Г.С., Холмирзаев Ю.М. Саноат чикиндиларини камайтириш ва қайта ишлаш	185
Махмудов Л.Э., Алиева Н.И., Нормуродов М.У. Коллагеннинг хоссалари	189
Холдаров Д.М., Шодиев Д.А., Мадаминова Ф.Д. Ўсимликлар томонидан микроэлементларни биологик сингдирилиш миқдорларини ўрганишнинг аҳамияти тўғрисида	191
Тожиёв Р.Ж., Каримов И.Т., Исомидинов А.С. Хўл усулда чанг ушловчи роторли аппарат	193
Эшметов Р.Ж., Адизов Б.З., Салиханова Д.С., Эшметов И.Д. Қайта ишлаш корхоналари учун нефтни қайта ишлаш сифатига ультратовуш интенсивлигининг таъсири	196
Арзиматова И.М., Эркинов И. Шахс маънавияти шаклланишида эстетик маданиятнинг ўрни ...	200
Юлдашев А.Х. Ихтировий масалаларни ечиш назариясининг ривожлантириш принциплари ҳақида .	203
Ахунова М.Х. Моддий ресурслардан тежамли фойдаланиш йўналишлари	206
Ҳақимов А. Девиант хулқ-атворнинг моҳияти	209
Мадаминов А. Ёшларнинг миллий онги ва ифтихорини ўсишида кадрларнинг аҳамияти	212
Ганиев Д.К. Савдо маданиятининг ҳозирги кундаги аҳволи	215
Назарматов О.С., Дадабоева Ф.Ю. Ўзбекистон республикасида соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохатларининг асосий натижалари	218
Асқаров Н.И. Корпоратив бошқариш органлари ва нормаларининг ҳуқуқий асослари	223
Аноров Р.А., Раҳмонов О.К., Қаххоров У.Р. Парафинни адсорбентлар билан тозалаш жараёнида ультратовуш таъсири механизмни ўрганиш	227
Аноров Р.А., Раҳмонов О.К., Ибрагимов А.А. Суўлтирилган парафинни маҳаллий адсорбентлар билан тозалаш жараёнида ультратовуш таъсири механизмни ўрганиш	229
Муаллифлар диққатига !	232

жидкости: за определяющую скорость – средняя скорость жидкость в трубе; за определяющий размер – диаметр круглой трубы или эквивалентный диаметр трубы любой формы. Эти формулы дают среднее значение коэффициента теплоотдачи при $l/d > 50$. Они применимы для любой жидкости и наиболее полно учитывается влияние естественной конвекции и направлении теплового потока.

При нашем случае $\lambda = 0,574$ ккал/м.час. $^{\circ}$ С, $\nu = 0,417 \cdot 10^{-6}$ м²/сек, $Pr = 3,55$.

Тогда коэффициент теплоотдачи $\alpha = 10,5$ Вт/м².град.

Список литературы

- [1] Нащокин В.В. Техническая термодинамика и теплопередача. Учебное пособие. – М: Высшая школа, 1980 г.
- [2] Кириллин В.А., Сичев В.В., Шейндлин А.Е. Техническая термодинамика, Дарслик – Т. «Ўқитувчи», 1980 г.
- [3] Мадалиев Э.Ў. “Иссиқлик техникаси” дарслик 2012й. Фарғона техник нашриёти.

ЕР АХБОРОТ БАЗАСИНИ ЯРАТИШ МОДЕЛИ

Қ. Рахмонов

*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
(Қабул қилинди 15.08.2017.й.)*

Мақолада блокларнинг қисқача мазмуни ва моҳияти, ҳамда улардан фойдаланилиши кўлами тўғрисида маълумотлар берилган.

Таянч сўзлар: *ердан фойдаланувчи субъектларга, ердан фойдаланишга оид ҳуқуқий ҳужжатлар тизими, ер баҳолаш маълумотлари.*

В данной статье изложена сущность и влияние блоков и его применение.

Ключевые слова: *субъекты земельных участков, юридические документы земельных участков, информации по оценке земель.*

In this article the essence and influence of blocks and its application are stated.

Key words: *subjects of land plots, legal documents of land plots, information on land valuation.*

Маълумки, хозирги глобаллашув даврида барча иқтисодий тармоқлари қатори аграр соҳада ҳам тезкор ер-ахборот базасини яратиш ва ундан самарали фойдаланиш масаласи долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Республикаимиз микёсида қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган ердан фойдаланувчи субъектларнинг сони, майдони, тупроқ сифати, ижтимоий – иқтисодий, экологик ва ташкилий тизимларини ҳамда ресурслар таъминотини муттасил ўзгартириб бориш жараёнида ер ахборот базасини яратиш ва уни амалиётда қўллаш заруриятини туғдирмоқда. Албатта, бу жараён кўп қиррали ва хажмдор ахборот алмашишнинг кенг кўламини қамраб олади. Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштирувчи ердан фойдаланувчи субъектларга оид ер ахборот базасини яратишда қуйидаги блоklar (таркибий қисмлар)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Ердан фойдаланишга оид ҳуқуқий ҳужжатлар тизими.
2. Ер ҳисобини юритиш бўйича маълумотлар тизими.
3. Ер баҳолаш маълумотлари.
4. Кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар.
5. Тупроқ ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатига оид маълумотлар.
6. Иқтисодий кўрсаткичлар тизими.

Ушбу блоklarнинг қисқача мазмуни ва моҳияти, ҳамда улардан фойдаланилиши кўлами тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

1. Ердан фойдаланишга оид ҳуқуқий ҳужжатлар тизими.

Қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ер участкасига бўлган ҳуқуқларини рўйхатга олиш маълум бир ер майдонини ижарага олиш ҳуқуқларини расмийлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади. Бунда дастлабки ҳужжатлар ер участкаларининг

хукукий ҳолати тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлади. Аммо, ердан фойдаланиш маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда ҳудуд ва аниқ субъект билан боғлиқ бўлганлиги сабабли у ўз ичига ер участкаларининг хўжалик ҳолати, жойлашган ўрни ва ердан фойдаланишнинг ўлчамлари тўғрисидаги маълумотларни қамраб олади.

Ер участкасини ердан фойдаланувчига бериш тўғрисидаги ваколатли давлат органларининг қарори ҳамда ер тузиш лойиҳасини жойга кўчириш ва ер участкаси чегараларини белгилаш тўғрисидаги далолатнома ердан фойдаланишни ёки ер-мулкдорини рўйхат қилиш учун хукукий асос бўлиб хизмат қилади. Давлат рўйхатида расмийлаштирилгандан сўнг ердан фойдаланувчи субъектга ердан фойдаланиш ҳуқуқларини берувчи ҳужжатлар топширилади. Сервитутлар ва мулк ҳуқуқидаги бошқа чеклашлар ер участкаларидан фойдаланиш шартномалари асосида рўйхатдан ўтказилади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектларни давлат рўйхатига олиш бўйича ҳужжатлар ва маълумотлар умумий тарзда қуйдагилардан иборат бўлади:

- ер участкасини танлов (тендер) асосида бериш (реализация қилиш) комиссиясининг қарори;
- ердан фойдаланиш ҳуқуқларини рўйхатга олиш ҳақидаги маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари;
- Ер участкасини ажратиш ва лойиҳани жойга кўчириш тўғрисидаги материаллар;
- ер кадастрининг белгиланган тартибда расмийлаштирилган материаллари;
- ер участкасидан фойдаланишдаги чеклашлар (сервитутлар) ҳақидаги ҳужжатлар.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгиловчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи юқорида қайд этилган ҳужжатлар шу ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2. Ер ҳисобини юритиш бўйича маълумотлар тизими.

Ер ҳисоби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ихтисослаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Биринчи навбатда ер ҳисобида юқори аниқликда бўлиши зарур. Бунинг учун ер ҳисобини ер турларига жумладан, ҳайдалма ерлар, кўп йиллик дарахтзорлар, пичанзорлар, яйловлар ва бўз ер турларига бўлинган ҳолда олиб бориш талаб қилинади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектларда ер ҳисобини юритиш бўйича олинган маълумотлар, қуйидаги вазифаларни бажаришда муҳим ҳисобланади:

- ҳисоб қилинадиган ҳудуд учун барча мавжуд план-харита материалларини олиш, бир тизимга келтириш ва таҳлил қилиш;
- зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва план-харита материалларини олиш мақсадида тасвирга олиш ҳамда кузатув бўйича дала қидирув ишларини ўтказиш;
- ҳисоб қилинадиган барча ерлар ўлчамларини, сифат ҳолатини, тақсимланиш ва фойдаланиш ҳолатини аниқлаш;
- махсус ер ҳисобининг электрон хариталарини тайёрлаш ва матн ҳужжатларига бирламчи ёзувларни киритиш;
- ер фонди таркибини ер тоифалари, ердан фойдаланувчилар, мулкдорлар ва ер турлари бўйича аниқлаш, ерларни маъмурий бирликлар (туман, шаҳар, вилоят, республика) бўйича сифат жиҳатидан тавсифлаш.

Демак, юқорида қайд этилган ер ҳисоби ишларини бажариш натижасида олинган кўрсаткичлар асосида маълумотлар тизими яратилади.

3. Ер баҳолаш маълумотлари.

Ерларни баҳолаш давлат ер кадастрининг таркибий қисми бўлгани ҳолда, иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиладиган табиий ресурсларни умумий тарзда баҳолашнинг бир қисми ҳисобланади. Бунда айниқса қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатидаги ер баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. Баҳолаш муаммосини муваффақиятли ҳал қилиш, энг аввало, уни объекти ва субъектини тўғри белгилашга боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчилар ҳудудида олиб бориладиган хўжаликларнинг ер баҳолаш материаллари қуйидаги қатор масалаларни ижобий

ҳал қилишда фойдаланилади: қишлоқ хўжалиги тармоқларини тўғри жойлаштириш; қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорликларини режалаштириш; қишлоқ хўжалик корхоналари ишлаб чиқариш фаолиятларини таҳлил қилиш асосида ердан ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш даражаларини аниқлаш; ягона ер солиғи ставкаларини белгилаш; ижара ҳақи миқдорларини аниқлаш; қишлоқ хўжалик ерларини ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишда қишлоқ хўжалиги кўрадиган зарарни ўрнини қоплаш миқдорларини ҳисоблаш; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш баҳоларини белгилаш; хўжаликлараро ва хўжаликда ер тузиш лойиҳаларини асослаш ва бошқалар. Ер баҳолаш ишлари натижаларига асосланган ахборотлар тизими алоҳида блокда берилади.

4. Кўчмас мулк объектлари ҳақидали маълумотлар.

Маълумки барча ердан фойдаланиш субъектлар ҳудудида албатта бир қанча кўчмас мулк объектлари жойлашган бўлади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар ҳудудида суғориш, зах қочириш тармоқлари ва гидротехника иншоотлари, турли чизиқли кўчмас мулк объектлари, дала шийпони, кўп йиллик дарахтлар ва бошқа турдаги кўчмас мулк объектларидан фойдаланилади. Аммо бугунги кунда ушбу кўчмас мулк объектлари тўғрисида сифат ва миқдорий ҳамда қиймат кўрсаткичлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас.

Ер ахборот банки тизимида барча ердан фойдаланувчи субъектларга тегишли кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотлар ҳаққоний ва аниқ берилиши шарт. Шу каби муаммоларни ҳал этиш учун ушбу блокда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар ҳудудида жойлашган кўчмас мулк объектлари ҳақидаги барча маълумотлар батафсил келтирилади. Хусусан, ушбу блокда кўчмас мулк турлари, уларнинг баҳоси, сифат ва миқдор кўрсаткичлари, фойдаланиш мақсади, конструкцияси, эскириши ва бошқа бир қатор маълумотлар берилади.

5. Тупроқ ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатига оид маълумотлар.

Тупроқ ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатига оид маълумотлар блокида акс этувчи маълумотлар тупроқ баҳолаш ва тупроқ кидирув ишларининг материалларидан ҳамда хўжаликнинг тупроқ харитасида келтирилган экспликациядан олинади. Ундан ташқари қишлоқ хўжалик ерларининг тупроқ қатлами, механик таркиби, гумус ва минерал моддалар миқдори, шўрланганлик даражаси, ҳамда ер ости сувлари ҳақидаги маълумотлар ер кадастри китобининг иккинчи бўлимидан олинади. Ушбу маълумотлар тупроққа мелиоратив ва агротехник тадбирларни қўллаш учун жуда муҳим саналади.

6. Иқтисодий кўрсаткичлар блоки.

Иқтисодий кўрсаткичлар блокида хўжаликнинг барча моддий бойликлари ҳамда молиявий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот берилади. Ушбу маълумотлар хўжаликларни келажакдаги фаолиятида асқотадиган иқтисодий тафсиялар бериш учун хизмат қилади. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлари ҳудудида ердан фойдаланиш ҳолатини тўлиқ таҳлил қилиш ва келажакдаги фаолиятини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқиш мақсадида юқорида берилган ер-ахборот тизимини шакллантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Ер участкаларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар томонидан фойдаланишда бундай янги замонавий ахборот технологияларни қўллаш жуда тез орада иқтисодий самара беради. Ер қонунчилигини, ягона ер солиғини адолатли амалга оширишга ва кредитлаш тизимларини такомиллаштиришга, мамлакатда кўчмас мулк бозорини ривожлантиришга ҳамда энг асосийси ер ресурсларидан самарали фойдаланишни вилоят ва республика миқёсида бошқарувни тўла таъминлай олади. Тавсия этилаётган тизимни амалиётда қўллаш натижасида қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган ердан фойдаланувчилар тўғрисида тезкор маълумотларни тўплашга, таҳлил қилишга, юқорига тақдим этишга, туманда солиқ тизимини такомиллаштириш каби ер участкаларига оид маълумотларнинг республика миқёсидаги банкни яратишга эришилади.

Демак, ушбу таклиф этилаётган ер-ахборот тизими орқали киритиладиган маълумотлар ишончли, текширилиши оддий бўлган, оммабоп, тез янгилана оладиган, ва энг мухими туманлар бошқарув аппаратида меҳнат қилаётган оддий хизматчи тушуниб, компьютерга кирита оладиган холда тизимлашни тақозо этилади. Ушбу тизим барча кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлари учун тез ва ишончли ахборотни бера олади ва уларнинг ҳуқуқларини ишончли кафолатлайди. Шартномаларда, қонунларда қайд этилган ер участкаларидан фойдаланишдаги субъектларнинг барча ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳисобга олинган тизим бўлиб, у турли мижозлар томонидан фойдаланишга қулай ҳолатга келтирилиши назарда тутилади. Қуйида ер-ахборот базасини яратиш мақсадида ишлаб чиқилган электрон дастурда ўз аксини топган модел блокларининг асосий кўрсаткичлар тизими берилган.

Адабиётлар:

- [1] «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини кадастр бўйича бўлиш ҳамда ер участкалари, бинолар ва иншоотларнинг кадастр рақамларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 492-сонли қарори, Т., 2000. -16 б.
- [2] Қ.Раҳмонов, “Ер кадастрини юритишга оид маълумотлар тизимини яратиш ва электрон дастурларни жорий этиш” мавзусидаги лойиҳага оид “ЕрАвтобанк” электрон дастуридан фойдаланувчилар учун услубий қўлланма. Тошкент, 2016 йил. -26 б.
- [3] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги қонуни.Т.: 2013 й.
- [4] Раҳмонов Қ., Зокиров Ш.Н., Лапасов Ж.О. Ер-ахборот маълумотларини қабул қилиш, киритиш ва қайта ишлашда кадастр рақамларини қўллаш. “Ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий – амалий анжумани материали. 1-қисм. (116–117 б.) ТИМИ, Тошкент, 2013 й.
- [5] www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси)
- [6] www.gov.uz (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий сайти)

МОДЕРНИЗАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ЦИКЛА ПОМОЛА ЦЕМЕНТА НА ОСНОВЕ МИКРОПРОЦЕССОРНОЙ ТЕХНИКИ

С.М. Абдурахмонов¹, И.У. Нишонов², Ё.Н. Ахунова³

¹Ферганский филиал Ташкентского университета информационных технологий, ²Ферганский политехнический институт, ³3-Академический лекций при Ферганский филиал Ташкентского университета информационных технологий
(Получена 4.01.2018 г.)

Ушбу мақолада ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган лойиҳа, сифатли цемент тайёрлаш тегирмони бошқариш тизими масаласи кўриб чиқилади. Клинкерли тегирмонларда майдалаб цемент ишлаб чиқариш технологияси ва замонавий автоматлаштириш воситалари асосида ишлаб чиқаришни модернизациялаш ёритилади.

В работе рассматриваются вопросы связанные внедренной проекта АСУ ТП, управленем мельницами помола цемента. Описывается технология измельчения клинкера, технология выработки цемента и технология модернизации производства на основе технологии измельчения клинкера, технология выработки цемента и технология модернизации производства на основе современных средств автоматизации.

The paper considers issues related to the implemented project of the automated process control system, the management of cement grinding mills. We describe the technology of clinker milling, the technology of cement extrusion and the technology of production mobility based on the technology of clinker milling, the technology of cement refining and the technology of production modernization based on modern means of automatization.

Модернизация технологических процессов является один из приоритетных направлений обновления производственных систем. Основные движущие основы данного подхода являются следующие[3]:

- Разработка современных интеллектуальных систем автоматизации производств;